

of

Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун хуш мати



КУН НАФАСИ



Solidarity with Uzbekistan

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 20 июнь • шанба • № 66-67 (4352)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Оналар оёғи остидадур
Равзай жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

Алишер Навоий

АЁЛНИНГ ДАРДИ ЖАМИЯТНИКИ ҲАМДИР...

Республика Ишчи гуруҳи фаолиятига чизгилар



4-5

Кун иқтибоси



Ҳокимликларнинг 3 минг қароридан 42 фоизи судларда бекор қилинган, бундан эса халқ азият чекмоқда

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) Буюк Британия ва Францияда истиқомат қилувчи бир гуруҳ ватандошларимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон билан бирдамлик» инсонпарварлик акциясини қўллаб-қувватлаш учун грант маблағлари ажратишнинг маъқуллади. Акциянинг мақсади коронавирус пандемиясига қарши курашда Ўзбекистондаги тиббий муассасалар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун хайрия маблағлари тўплашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича Махсус вакили Исмаилов Иргашев Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалалари бўйича онлайн-конференцияда иштирок этди.



Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Молия вазирлиги вакилларида иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Жинойат даромадлари легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг видеоконференция шаклида ташкил этилган 32-ялпи мажлисида иштирок этди.



Ижтимоий ходим – ижтимоий хизматларни ташкиллаштирадиган ёки бевосита ижтимоий хизматларни кўрсатиш бўйича касбий малакага эга бўлган шахсдир. Бу «Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисида»ги йўриқнома билан тасдиқланди.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Zoom дастури орқали онлайн видеоконференция бўлиб ўтди.



Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Бухоро вилоятидаги «Жайрон» кўриқхонасининг сайёҳлик мавсумига тайёргарлиги билан танишди.

Бухоро муҳандислик-технология институтида ҳудудий инновацион ғоя ва ишланмалар ярмаркаси бўлиб ўтди.

Андижон шаҳрида «Замонавий касблар» мавзусида онлайн семинар ўтказилди.

ЎА хабарлари асосида тайёрланди

Оқ тонгларга оқ йўл тилар, «ОҚ КЕМА»

Таассурот

«Катта-катта иморатлар, замонавий техника билан мақтанаш керак эмас. Ақлли, билимли, фидойи фарзандларни тарбияласак, улар Ватанга садоқат билан хизмат қилса, энг катта бойлик, бахт мана шудир».

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу эзгу мақсади юртимиз бўйлаб улкан самардорлик билан рўёбга чиқарилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманига хизмат сафарим чоғида бу ҳаётини ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим.

Давлатимиз раҳбарининг шу

азиз халқ фарзандларига чексиз ғамхўрлиги, эътибори рами сифатида 12,7 гектарлик улкан майдонда бунёд этилган «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳи илк меҳмонларига эшикларини очди.

Бу замонавий масканда эндиликда Президентимиз орзусидаги баркамол ёшлар – содда ва оққўнғил, илм ва касб-хунарга астойдил интилган ўғил-қизларимиз дам олади, жисмонан чиниқади, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини оширади, йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

3»



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашларининг ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчилари иштирокида онлайн анжуман ташкил этилди.

Ёшларнинг онлайн анжумани

Унда бугунги кунда тизимда фаолият юритаётган ёшларга яратилиб берилаётган имкониятлар, касаба уюшмалари кўмагида бандлиги таъминланаётган ишчи ёшлар, «Ёшлар ойлиги» доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда халқаро касаба уюшмалари ёшлари билан ўтказилиши режалаштирилаётган конференциялар ва бошқа масалалар хусусида сўз юритилди.

Анжуманда иштирокчилар фаолиятдаги муҳим вазифаларни белгилаб олишди, ўзаро тажрибалар алмашди.

Дилафрўз ҲУРОЗОВА

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА



2020 йил 19 июнь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

2»

Келгуси сонларда ўқинг...



Ўзингизга
ИНСОФ БЕРСИН
ЗАМОНДОШ!

Бугунги сонда ўқинг...



COVID-19:
Жаҳонни нима кутмоқда?
ўзини оқламаган фаразлар ва умидбахш қарашлар ҳақида

6



Камбағаллик
тоифаси қандай
аниқланади?

7



19июнь кuni мамлакатимизда **179кишида** коронавирус қайд этилди. Шундан **146нафари** карантин муассасаларидаги фуқаролар, **29 нафари** аҳоли орасида, қолган **4 нафари** эса халқаро юк ташувчи автомашина ҳайдовчилари орасида аниқланган. Кун давомида **74 нафар** бемор соғайди.

<https://t.me/koronavirusinfouz>

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА



«1 Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борган ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

8 ТА ҚОНУН МАЪҚУЛЛАНДИ
Сенаторлар муҳокамалар чоғида
– «Инновацион фаолият тўғрисида»ги;
– «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги;
– «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги;

– «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги;
– «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;
– «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;
– «2007 йил 27 июндан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисида»ги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Баённомани (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилиш тўғрисида»ги;
– «Ўзбекистон Республикасининг Бўғувчи, захарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда

қўлланилишини тақиқлаш тўғрисида»ги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқиб, уларни маъқулладилар.**

1 ТА ҚОНУН РАД ЭТИЛДИ
«Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашда иштирок этиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокамалари сўнг сенаторлар томонидан Қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

АХБОРОТ ВА ҲИСОБОТЛАР ЭШИТИЛДИ
Ялпи мажлис давомида сенаторлар томонидан
– Адлия вазирининг 2019 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти;
– Самарқанд вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлан-

тириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилди.

– Вазирлар Маҳкамасига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш;

– Вазирлар Маҳкамасига чиқиндилар билан боғлиқ масалаларда вужудга келган муаммолар ва уларнинг аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги **масалалар кўриб чиқилди.**

Ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисида Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Парламент юқори палатаси аъзолари бешинчи ялпи мажлисда Истиқболли туризм йўналишида Ўзбекистон халқаро имижини ошириш чоралари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқишди.

ЭЛЧИ ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатига Фавкулда ва Мухтор Элчисини лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар Феруза Юлдашев-Махмудовани Ўзбекистоннинг Исроил Давлатидаги Фавкулда ва Мухтор Элчисини лавозимига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Сенат Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.



Янги тизим

НАЗОРАТ КЎЗГҮСИДА – ХАВФСИЗ МЕҲНАТ

Пандемия шароитида меҳнат муҳофазасига эътибор қандай?

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга мўвофиқ, Касаба уюшмалари инспекциялари ташкил қилинди. Ушбу инспекциялар фаолияти ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Иш жойлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларида санитария қоидаларига риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатиш зарурати карантин талаблари тўлиқ берилмаган ҳозирги кунларда жуда муҳим.

Инспекциялар корхона ва ташкилотлар фаолиятини ўрганиб чиқишмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иш берувчиларнинг ходимлар хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси таъминлашдаги шароит барча ҳудудларда ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу эса бугунги пандемия шароитида ходимлар соғлигини хавф остига қўяётгани кундек равшан.

Андижон вилояти Бандлик бошқармаси, вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашлари масъул ходимларидан иборат махсус ишчи гуруҳ 98 та ишлаб чиқариш корхонаси, 94 та қурилиш объекти, 13 та хизмат кўрсатиш ва 10 та савдо-сотиқ корхонасида меҳнат шароитлари ҳамда карантин талабларига риоя этиш борасида амалга оширилган ишларни ўрганди.

Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларининг барчасида ишчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий ниқоб, антисептик воситалар билан таъминланган бўлса-да, қурилиш объектиларида дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. Бундай ҳолат тўртта ишлаб чиқариш корхонасида ҳам аниқланган.

Навоий шаҳрида бешта хизмат кўрсатиш шохобчаси, 16 та савдо шохобчаси, 3 та қурилиш ташкилоти фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳам карантин қоидаларига бепасандлик билан қараш ҳолатлари кузатилди. Жумладан, Навоий шаҳридаги «MAGNIT MARKET», «INDENIM» «Бирюза ТРЕНД» савдо мажмуаларида ишчилар ниқоб ва кўлқопларсиз экани, кириш жойида дезинфекция воситалари йўқлиги, «Очилойим», «Баҳор» гўзаллик салонларида ходимлар махсус кийимсиз хизмат кўрсатаётгани, «Иновацион қурилиш» МЧЖ ходимлари эса махсус кийим-бош ва пойабзал билан таъминланмагани аниқланиб, камчиликлар жойида бартараф этилди.

Хоразм вилояти ҳудудида карантин даврида фаолият кўрсатаётган 55 та ишлаб чиқариш, 91 та қурилиш корхонаси, 50 та хизмат кўрсатиш ҳамда 52 та савдо-сотиқ шохобчасида карантин қоидалари, меҳнатни муҳофазаси таъминлашдаги шароит барча ҳудудларда ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу эса бугунги пандемия шароитида ходимлар соғлигини хавф остига қўяётгани кундек равшан.

Андижон вилояти Бандлик бошқармаси, вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашлари масъул ходимларидан иборат махсус ишчи гуруҳ 98 та ишлаб чиқариш корхонаси, 94 та қурилиш объекти, 13 та хизмат кўрсатиш ва 10 та савдо-сотиқ корхонасида меҳнат шароитлари ҳамда карантин талабларига риоя этиш борасида амалга оширилган ишларни ўрганди.

Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларининг барчасида ишчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий ниқоб, антисептик воситалар билан таъминланган бўлса-да, қурилиш объектиларида дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. Бундай ҳолат тўртта ишлаб чиқариш корхонасида ҳам аниқланган.

Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларининг барчасида ишчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий ниқоб, антисептик воситалар билан таъминланган бўлса-да, қурилиш объектиларида дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. Бундай ҳолат тўртта ишлаб чиқариш корхонасида ҳам аниқланган.

Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларининг барчасида ишчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий ниқоб, антисептик воситалар билан таъминланган бўлса-да, қурилиш объектиларида дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. Бундай ҳолат тўртта ишлаб чиқариш корхонасида ҳам аниқланган.

Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларининг барчасида ишчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий ниқоб, антисептик воситалар билан таъминланган бўлса-да, қурилиш объектиларида дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. Бундай ҳолат тўртта ишлаб чиқариш корхонасида ҳам аниқланган.

Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларининг барчасида ишчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий ниқоб, антисептик воситалар билан таъминланган бўлса-да, қурилиш объектиларида дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. Бундай ҳолат тўртта ишлаб чиқариш корхонасида ҳам аниқланган.

Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларининг барчасида ишчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий ниқоб, антисептик воситалар билан таъминланган бўлса-да, қурилиш объектиларида дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. Бундай ҳолат тўртта ишлаб чиқариш корхонасида ҳам аниқланган.

келиб-қетиши учун махсус хизмат автобуслари ташкил этган бўлса-да, 318 та корхонада хизмат автобусларида ишчиларни ташишда масофа сақламанмаётгани аниқланди.

Ўрганилган 247 та ташкилотда кириш дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган. 13 та қурилиш объектида ишчилар учун ажратилган ётоқ жойлари санитария талабларига жавоб бермайд.

Ишчи гуруҳ одамлар кўп тўпланадиган жойлардаги шароитларга ҳам эътибор қаратди. Хусусан, Самарқанд шаҳри, Қўшработ тумани электр тармоқлари корхоналарида электр энергияси учун тўловни амалга ошириш учун келган фуқаролар, банкар хизматидан фойдаланувчилар ва озиқ-овқат дўконларида хизмат кўрсатиш жараёнида фуқароларнинг масофа сақламаслик ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Тошкент вилоятидаги 330 та корхона ва ташкилотда ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари ҳамда карантин талабларига риоя этилиши ўрганилди. Аниқланишича, ишлаб чиқариш ташкилотларининг 19 тасида, қурилиш ташкилотларининг 7 тасида, хизмат кўрсатиш ташкилотларининг 52 тасида ходимлар иссиқ овқат таъминланмаган. Бундан ташқари, айрим корхоналарда кириш дезинфекция тунеллари қўйилмагани, ходимларни гигиена воситалари билан таъминлашга эътибор қаратилмагани ҳам қайд этилди.

Бу каби ҳолатлар бугунги кунда иш жойларида меҳнат фаолиятини давом эттираётган ишчи-ходимларнинг соғлиғига хавф туғдириши аниқ. Шу мақсадда Касаба уюшмалари инспекторлари жамоатчилик назоратини кучайтириб, жойларда аниқланган ва аниқланаётган ҳолатлар бўйича иш берувчиларга тушунтириш бериб, зарур ўринларда тақдирнома киритиш орқали муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилишмоқда. Аммо бу барча масалалар ҳал бўлди, дегани эмас. Чунки меҳнат хавфсизлиги ва карантин қоидаларига жамоатчилик эътибор қаратгандагина амалга оширилиши керак бўлган иш сифатида қараш нотўғри. Зеро, ўзи ва бошқаларнинг саломатлиги учун вақтида мавжуд муаммони бартараф этишга ҳисса қўшиш ҳар бир иш берувчи ва ходимнинг вазифасидир.

Одил МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари, бош техник инспектор

Қашқадарь вилояти

Айни пайтда Яккабоғ туманининг баҳаво Кенгузар қишлоғида жойлашган оромгоҳи-миз чин маънодаги истиқлол ғунчаларининг, келажакимиз гул ва чечакларининг шодон қувонч ва кўлгуларига бурканган.

Ёзги соғломлаштириш



«Эртақлар шаҳарчаси»га хуш келибсиз!

Оромгоҳда ҳар бир тадбир ижтимоий масофа сақлаган ҳолда ўтказилмоқда. Сафланиб юришдан тортиб, турли спорт мусобақалари, ҳар хил кўриқ-танловлар ўтказиш учун майдонларимиз икки метр ораликдаги чизиклар билан бўлиб чиқилган. Бундан ташқари, ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, турли рангларда бўялган ўйингоҳларда ўйнашдики, ҳаммаси карантин қоидаларига тўла мос келади.

Бугунги пандемия даври талабларидан келиб чиқиб, бир кунда икки маҳал дам олувчи болажонларнинг ҳарорати ўлчанмоқда. Ҳар бир ётоқхонада дорихоналар ташкил этилган. Махсус ходимлар кунига уч марта оромгоҳ ҳудудида дезинфекция ишларини олиб боришаётир.

Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори С.Оролов ўғил-қизларга дам олиш мобайнида карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда шахсий гигиенага катта эътибор бериш бўйича кундалик тарғибот ишларини олиб борапти, тиббий ниқоблар ўз вақтида алмаштирилмоқда.

Шахмат, шашка, волейбол спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, фаол қатнашган ўқувчилар эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Инглиз тили, рус тили, тасвирий санъат, «Моҳир кўллар» тўғрисидаги ташқари ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Истиқлол ғунчалари» гуруҳи ҳам ишлаб турибди.

Бу йил оромгоҳимизда 600 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳар бир боланинг соғлом ва бақувват, уйига, ота-онаси бағрига олам-олам қувончлар билан, янги-янги билим ва тасаввурлар билан қайтиши учун барча шароитлар муҳайё.

Абдугани БОҚИЕВ,
Яккабоғ туманидаги «Истиқлол ғунчалари» оромгоҳи раҳбари

Тошкент вилояти

Касаба уюшма фидойилари


Ҳамкасблар дарди билан...

Давлат идоралари ёки нодавлат ташкилотларида ишлайдиган баъзи ходимларнинг «касаба уюшмалари умуман ишламайди, унинг бизга фойдаси йўқ», деган иддаолари ҳар замонда қўлоққа чалиниб қолади. Аммо...

Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, касаба уюшмаларининг баъзи бошланғич ташкилотларида қуруққа савлат тўкиб юрган раислар ҳам йўқ эмас. Бундай одамлар ходимнинг манфаатини ҳимоя қилишдан кўра, кўпроқ ўз тинчини уйлайди. Балки шундай касабақўмлар боис, аксарият ҳолларда кўплаб ташкилот ва корхоналарда ходимлар ноҳақ бўшатилаётган ёки ҳуқуқи поймол этилаётгандир.

Лекин уларнинг касрига ҳаммага барабар тош отиш адолатдан эмас. Чунки ушбу соҳада ҳалол меҳнат қилаётган, ходимлар манфаатини ҳар нарсадан устун кўрадиган мутахассислар кўп. Давлат хизматлари агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Умурзоқали Бердиев ҳам ана шундай фидойи инсонлардан.

– Ҳар бир инсон қайси касбда ишлашдан қатъи назар, аввало, ўз соҳасига чин дилдан меҳр қўймоғи лозим, –



дейди Умурзоқали Бердиев. – Шундагина қилаётган ишдан кўнгил тўлади ва олдиға қўйган мақсадига эришади.

Меҳнат фаолиятим давомида бирон бир шахсга нисбатан адолатсизлик қилмаслик учун, аввало, ўша ходимнинг ўзи билан дилдан сўхбат қураман ва кейин бир хулосага келаман. Бу – менинг қатъий иш қоидам. Агар ҳақиқатан ҳам ўзининг айби билан бирон хатогога йўл қўйган бўлса-ю, уни тан олмаса ёки тўғри йўлга қайтмаса, шундагина гарчи вазифам ходимнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўлса-да, унга қарши овоз

бераман. Чунки ҳаётда кимнидир эгаллаб турган лавозимидан ёки қора қозонини қайнатиб турган ишдан мосуво қилишдан осони йўқ. Шу боис, инсонлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлгани боис, ҳар бир мурожаат ёки масалага алоҳида алоҳида синчковлик билан ёндашаман. Ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида жонбозлик кўрсатаётган касаба уюшма кўмитаси аъзолари ҳар бир жамоанинг фахри ҳисобланади. Улар ўзгалар манфаати йўлида меҳнат қилаётган фидойилардир.

Эркин ДОРПОВ

Оқ тонгларга оқ йўл тилар,

«ОҚ КЕМА»

41
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов мазкур болалар дам олиш ошёнининг тантанали очилишида эътироф этганидек, «Оқ кема» оромгоҳи Юртбошимиз ислохотларининг рамзи, десак, муболага бўлмайди. Чиндан ҳам, ушбу ёрқин бунёдкорлик намунаси тисмолида давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган яратувчанлик сийосатининг устувор тамойиллари ўз тасдиғини топган.



Акмал САИДОВ,
академик

Биринчидан, инсон омили ва инсон манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олинган. Яъни, «Оқ кема» оромгоҳи обод ва маиший шароитлари ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бериши билан диққатни ўзига тортади. Бу ерда бир навабда 250 нафар ўғил-қиз дам олиши, саломатлигини тиклаши ва салохиятини ошириши мумкин.

Иккинчидан, «Оқ кема» оромгоҳи Президентимизнинг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича илгари сурган тарихий ташаббуси асосида барпо этилди. Бу, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг ислохотларига хос шиддаткорлик, кенг қамровлик ва самарадорлик тамойиллари ушбу ўринда ҳам ёрқин намоён бўлганидан далолатдир.

Учинчидан, мамлакатимиз раҳбари кейинги даврда Мўйноқ туманини обод этишга доир қарорлар қабул қилиш, топшириқ ва кўрсатмалар бериш билан чекланмай, ушбу ҳудудга бир неча бор шахсан ташриф ҳам буюрган.

Айниқса, Президентимизнинг 2019 йил 21 августдаги ташрифи чоғида «Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин», деган юксак эътирофи бутун халқимизнинг ёдида турибди. Бу эса Шавкат Мирзиёев сийосати хос тизимлилик ва изчиллик тамойиллари ҳам амалда намоён бўлганини кўрсатади.

Тўртинчидан, бунёдкорлик жараёнида якуний натижадорлик тамойилига қатъий амал қилинди. Оромгоҳни қуриш, ободонлаштириш, энг замонавий мебель, маиший техника жиҳозлари, ошхона анжомлари билан жиҳозлаш учун давлат бюджетидан 42,8 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Оромгоҳ ҳудудида 2 минг 700 туп мевали, 1 минг 500 туп манзарали дарахтлар экилиб, уларни суғориш тизими қурилди. Ушбу масканда 6 та доимий ва 30 та мавсумий иш ўрни яратилди.

ОРОМГОҲНИ ҚУРИШ, ОБОДОНЛАШТИРИШ, ЭНГ ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЬ, МАИШИЙ ТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИ, ОШХОНА АНЖОМЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН 42,8 МЛРД СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ САРФЛАНДИ. ОРОМГОҲ ҲУДУДИДА 2 МИНГ 700 ТУП МЕВАЛИ, 1 МИНГ 500 ТУП МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ЭКИЛИБ, УЛАРНИ СУҒОРИШ ТИЗИМИ ҚУРИЛДИ.

Бешинчидан, «Одамлар эртага эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак». Шу пайтгача қорақалпоғистонлик болажонларимизни юртимизнинг хушхаво ҳудудларидаги болалар оромгоҳларига олиб бориш асосида кўндаланг бўладиган кўплаб ташвишларга барҳам берилгани бу даъват ижобатидир.


Гап шундаки, ҳар ёз мавсумида тақрорланадиган ушбу жараён болаларнинг хавфсизлиги, саломатлиги, ота-оналарининг хавотирини каби бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Эндиликда «Оқ кема» оромгоҳи қорақалпоқ фарзандларининг бир умрлик ширин хотираларига манзил бўлади. Бахтиёр ёшлар ушбу масканда дўстлашадилар, мусобақалашадилар, санъат ва спортнинг турли йўналишларида ўз

истеъодларини намоиш этидилар. Энг муҳими, улар шу азиз юртга муҳаббат ва садоқат руҳи билан улғаядилар. «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳига мавсум давомида 4 навабда жами 600 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган.

– Пандемия шароитидан келиб чиқиб, болаларнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ижтимоий масофани таъминлаган ҳолда мавсумнинг биринчи навабатида – 13 июнь кунидан 150 нафар болани қабул қилдик, – деди оромгоҳ раҳбари З.Сайтбекова. – Бош прокуратура Мўйноқ туманидан 10 та кам таъминланган оила фарзандларига бепул

Олис тарихда бу замида нафақат Бердақ, Кунхўжа, Ажиниёз каби улуг шоирлар, балки Зангиотага бирлари устоз ва бирлари шогирд ҳисобланмиш



Ўқ суратлари

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАҚИДАГИ ГАП-СЎЗЛАР ҚАРИЙБ 50 ЙИЛЛАРДАН БЕРИ АЙТИБ КЕЛИНАРДИ, ЛЕКИН АЙТИШДАН НАРИГА ДЕЯРЛИ ҲАҚИДАГИ ШУ МАЪНОДА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ТАЪРИФИГА ТИЛ ОЖИЗЛИК ҚИЛАДИ.

йўланмалар совға қилди. Хўжайли туманидаги «Мехрибонлик уйи»нинг тарбияланувчилари, Мўйноқ, Шуманай, Қонлиқўл туманларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, Ибройим Юсупов номидаги истеъодли болалар мактабининг ўқувчилари оромгоҳнинг биринчи дам олувчилари – қалдирғочлари бўлди.

Неча асрлар аввал яшаб ўтган улуг қорақалпоқ шоири Бердақ бобомиз шундай мисралар битиб қолдирган:

*Йигит деган яхши,
билимдон бўлур,
Билим, хунар йигит учун
жон бўлур,
Ақлсизлар иши кўп ёмон бўлур,
Нодонлар ҳеч хизмат қилмас
халқ учун.*

Ҳақим ота – Сулаймон Боқирғоний ва Сайид отадек не-не азиз-авлиёларнинг муборак излари бор. Уша муҳтарам зотларнинг барчаси эл учун эзгу амаллар қилиш билан бирга, элни эзгу ишларга даъват этиб назмлар битган, жонбахш ҳикमतлар айтиб қолдирган.

Аммо, афсуски, яқин ўтган замонларда собиқ советлар тузумининг пахта яккахокимлигини ўрнатидек нобоб сийосати оқибатида Орол денгизи ҳалокатга учради. Минтақа халқи эса сурункали муаммолар гирдобига дучор бўлди.

Ростини айтганда, Оролбўйи аҳолиси ҳаётини яхшилаш ҳақидаги гап-сўзлар қарийб 50 йиллардан бери айтиб келинарни, лекин айтишдан нарига деярли ўтилмасди. Шу маънода, кейинги йилларда бу борада амалга

оширилган кенг қамровли бунёдкорлик ишларининг таърифига тил ожизлик қилади.

Даставвал, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Денгизнинг қуриган тубида ҳимоя ўрмонзорлари, Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари барпо этилмоқда.

Этибор беринг: Орол денгизи қу-

риганидан кейин 42 йил давомида бу ердаги 400 минг гектар ерга саксовул экилган. Биргина 2018-2019 йилларда денгизнинг қуриган тубида 500 минг гектарлик ўрмонзорлар барпо этилди. Бу кўрсаткичи 2020-2021 йилларда 700 минг гектарга етказиш учун астойдил иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари 2016 йил 10 ноябрда Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловли учрашувида қорақалпоқ аҳлига шундай ваъда берганди: «Бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овулларгача кириб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз».

Мўйноқнинг бугунги замонавий, обод ва кўракам қиёфаси ана шу ваъданинг нечоғлик тўлиқ бажарилгани – Президент Шавкат Мирзиёевнинг юксак эътибори тўғрисида Мўйноқ янги Уйғониш даврига қадим қўйганини амалда исботламоқда. Энг асосийси, бу ердаги бунёдкорлик ишлари бардавон.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, 2020-2021 йилларда Мўйноқда 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилади. Айни пайтда 800 ўринли амфитеатр, Давлат хизматлари маркази, Мусиқа ва санъат мактаби, Маданият маркази, спорт зали, ёпиқ бассейн, стадион барпо этилди.

Ушлаб кўп қаватли уй-жойлар қурилади ва бу ободлик ишлари изчил давом этмоқда. Шунингдек, «Бозатау» овул фуқаролар йиғини учун оилавий поликлиника, 350 кишини иш билан таъминлайдиган «Мўйноқ порлоқ текс» масъулияти чекланган жамияти, балиқчилик sanoатини ривожлантиришга қаратилган «Мўйноқ аква sanoат» корхонаси иш бошлаш арафасида.

Мухтасар айтганда, бугун мўйноқликлар «Бир келиб кетинг Мўйноқимизга!» деб, қўшиқни ҳам ўзларига мослаб, баралла қўйлаётганлари бежиз эмас. Чунки бугун Мўйноқ улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бугун, Президентимиз таъкидлаганидек, «маданият Мўйноқдан бошланади».

Андижон вилояти

Ҳабибулло Солиевни Андижонда кўпчилик билади. Гарчи олий ўқув юртини эндигина тамомлаётган бўлса-да, катта-ю кичик ҳурмат билан, андак эркалатиб «ҳоким бува» деб қақиринишади. Унга ҳавасманд тенгқурларини-ку, айтманг!



Ҳабибулло – 24 яшар йигит. Бу йил Тошкент давлат аграр университети-нинг Андижон филиалини тамомлади. Олий ўқув юртида яхши билим эгаллаши баробарида турли-туман тадбирлар ҳамда жамоат ишларида жуда фаол – соҳавий илмий-амалий конференциялар иштирокисси сифатида имкон қадар янги гап айтишга ҳаракат қилади, ёшлар анжуманларида тенгқурларини қизиқтираётган, ўйлантираётган

муассаса раҳбарига шахсан учрашиб, муаммонинг ечимини топши пайидан бўлади.

Жорий йил бошида шаҳар ва туман ҳокимлари Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясига ўн кунлик сийёсий ўқиш курсларига жалб этилиши билан Андижонда тажриба тариқасида ижтимоий ҳаёда фаол бир гуруҳ ёшлар вақтинча ҳоким лавозимига қўйилди. Ўн кун давомида Андижон шаҳрини бошқар-

ликдаги мутасаддилар, шаҳар ташкилотлари раҳбарларига «мағзи бор» гап айта олди. Зиммасига юклатилган вазифа – ҳокимликда амалга оширилётган ишлар, жумладан, мавжуд муаммолар, хато ва камчиликларни назардан ўтказиб, ишни яхшилаш учун бир қатор таклифлар бера олди.

Дастлабки иш кунини кўп қароватли уйлардаги ободонлаштириш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қури-

лишини кузатишдан бошлаган ёш ҳоким ўн кунлик фаолияти чоғида ҳар кун, аввало, марказий кўчаларнинг, ҳудудларнинг саранжом-сарихталигига эътибор қаратди. Ҳудудга нисбатан аҳоли зичлиги, кўчаларда ҳаракат тиғизлиги боис, ҳайдовчи ва пиедаларга қулайликлар яратиш мақсадида 50 километрдан зиёд йўл чиқиқлари, пиедалар ўтиш жойидаги чиқиқларни янгиладди.

Энг асосийси, фуқаролар билан мулоқотда мурожаатларни диққат билан эшитди, имкон қадар жўяли ечим топшиш учун мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилаб берди,

Самарқанд вилояти

ЛАЛМИ МАЙДОНДАГИ ИССИҚХОНАЛАР Нуробод тажрибаси қандай натижа бермоқда?

Лалмикор ҳудуд бўлган Нуробод туманида боддорчилик, иссиқхона хўжаликлари ташкил этиш, томчилаиб суғориш асосида сабзавот ва полиз экинлари парваришлагга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни чоғда 37 та маҳаллада истиқомат қилаётган 25086 нафар томорқа ер эгалари тасарруфида 1200 гектарга яқин экин майдони бор. Тумандаги лалмикор, чўл ва дашт шароитида иссиқхоналар ташкил этиш аънанаси шаклланимоқда. Йил бошидан аҳоли хонадонларида бир сотихлик 180 та энгил конструкцияли иссиқхона ташкил этилган бўлса, имтиёзли кредит маблағларини ҳисобига улар сони яна 120 тага кўпайди. Айни чоғда юздан ортиқ иссиқхона яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

– Ўн сотих майдондаги ерни қавлаб, иккита иссиқхона ташкил этидим. Лимон қўшқатлари ўтказганман, – дейди Жарқудуқ қишлоғида яшовчи Абдурахмон Отамуродов. – Ўтган йили лимон орасига помидор-бодринг экиб, 50 миллион сўм даромад олдим. Бу йил ҳам тўпланган тажрибани давом эттирялман. Фарзандларимиз билан келишиб, яна 30 сотих ерда иссиқхона барпо этилди. Мақсадимиз – 10-12 нафар ҳамқишлоғимизни иш билан таъминлаш.

Абдурахмон аканинг иссиқхонасида икки нафар ишчи бор. Уларга карантин шароитига риоя қилинган ҳолда ишлаш имконияти яратиб берилган. Етиштирилган маҳсулот ва даромад қўламини қараб, қўшимча рағбатлантиришлар кўрсатиб келинмоқда.

Нормурод РАЖАБОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича маъсул ташкилотчиси

Нурилло НҲЪМОНОВ,
«ISHONCH»



Ўзбек аёли унча-мунчага бировга дардини айтмайди. Оиласидаги муаммони элга «достон» қилишга ҳаё қилади. Дардини ютади. Бу дардлар бир кўни ёрилади – оқибати эса... Мардикор бозорига чиқади, жиноят кўчасига киради ёки иш излаб сарсон-у саргардон бўлади. Деярли ҳар кўни ижтимоий тармоқлар, турли ахборот манбаларида шу каби ҳолатлар билан боғлиқ маълумотларга кўзимиз тушади. Буларнинг туб илдизи нимага бориб тақалади? Оиласидаги носоғлом муҳитми? Ишсизликми? Оғир турмуш шароитими? Мутасаддиларнинг бепарволигимми?

Давлатимиз раҳбари жорий йил парламентга Мурожаатномаси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида аёллар, уларнинг ёрқин истиқболлини яратиш, турмушини фаровон этиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди.

«Шундай оилалар борки, уйда ўтиришга гилами йўқ, дори-дармон олишга пули йўқ, йиғлашга кўзида ёши йўқ. Бундай шароитда яшаётган аёлларнинг аҳволини ким тасаввур этади? Биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз», дея таъкидлади Президентимиз.

Бу ташаббус бугун ҳаётимизда бўй кўрсатмоқда, ўз натижасини бермоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов раҳбарлигида давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан иборат Хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида уйма-уй юриб, оилалар ва аёллар муаммоларини ўрганди.

АЁЛНИНГ ДАРДИ

Республика Ишчи гуруҳи

МАҚСАД, МУДДАО, ЭҲТИЁЖ...

Агар уйда нотинчлик бўлиб, унга яшаш учун имконият яратиш сансалорликка солинган бўлса, у аёл жамиятдан рози бўладими? Фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига қабул қилинмаса, мактаблардаги аҳвол ночор бўлса, таълим тизимининг иши қониқарсиз топилса, яна унлаб ҳаммага, қолаверса, айрим хонадонларга тегишли, бироқ мутасаддилар томонидан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, «халқнинг розилиги»ни қандай олиш мумкин?

Ишчи гуруҳ қийин аҳволга тушиб қолган, кўмакка муҳтож хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида ташкил этилди.

Ўрганиш давомида иш билан таъминлаш, уй-жой ва уни таъмирлаш, соғлиқни сақлаш, моддий ёрдам, тадбиркорлик, кредит ажратиш каби кўплаб муаммолар аниқланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, барча муаммолар негизда ишсизлик ва моддий етишмовчилик масаласи бор. Чунки аксарият аёллар бир марталик моддий ёрдамдан кўра бандлик, яъни ишли бўлишни, доимий даромад манбаига эгалликни афзал кўрмоқда.

МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ишчи гуруҳ ўз фаолиятини Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидан бошлади. Кейинчалик «Сирдарё таъриби» бошқа худудларда ҳам оммалаштирилди.

Ўрганишлар натижасида муаммоларнинг 23 фоизи уй-жой, 21 фоизи саломатлик, 17 фоизи моддий ёрдамга муҳтожлик, 14 фоизи иш билан таъминлаш, 8 фоизи тадбиркорлик ва кредит ажратиш, 4 фоизи коммунал соҳа, 2 фоизи оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг нотинчилиги, 1 фоизи таълим, 10 фоизи бошқа масалалар экани маълум бўлди.

Сирдарё шаҳрида яшовчи Нина Григоровна кекса ҳолида болаликдан ногирон қизини парвариш қилиши, бугунги кунда олаётган нафақа пули озлиги, яшаётган уйнинг томи таъмирга муҳтожлигини билдириб, ёрдам сўраган. Мурожаат шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилиб, унга касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 5 миллион сўм пул тақдим этилди.

Сирдарё туманидаги ишчи ва қарамоғида ногирон фарзанди бор 3 хотин-қизга тикув машинаси олиб берилди. Бундан ташқари, ижтимоий соҳа объектларига 50 тонна кўмир учун сертификат, 13 кам таъминланган оиладаги аёлга касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан саломатликларини тиклаш учун зарур бўлган тиббий хизмат ва дори-дармон маҳсулотларига маблағ ажратилди.

Улар орасида Зиёкор шаҳарчасида яшовчи ҳаётнинг оғир синовида учраган Маъмура Аҳмедова ҳам бор. У боқувчисини йўқотган фарзанди ва онаси билан яшаётган, юрак дардига йўлиққан эди. Аёлга саломатлигини тиклашда ёрдам беришни айтишганда қанчалик суянганини тасаввур қилиш қийин эмас.

– Юрак хасталигини даволаш мумкин, деб руҳлантиришди, – дейди М.Аҳмедова. – Мен каби давлат ҳамўрлигини ҳис қилган аёллар кўп. Барчамиз дуодамиз.

Ўрганишлар самарасида тумандаги 50 эҳтиёжманд оила фарзандлари учун кийим-кечак жамланмаса, кўрпа-тўшак, гилам, маиший техника, газ баллонлари тарқатилди. Шу билан бирга учта оиланинг коммунал тўловлардан қарзи тўланди. 3 оилага уйини таъмирлаш учун касаба уюшмалари ҳисобидан маблағ ажратилди. 15 хотин-қизга саломатлигини тиклаш

учун сихатгоҳга йўланма берилди. Туман халқ таълими бўлимига мактаб кутубхона фондидан бойитиш учун 10 минг дон китоб топширилди.

– Турмуш ўртоғим вафот этган. 4 фарзандим билан ёлғиз яшайман. Яшаш уйимиз чала битган, таъмирталаб, – дейди Барно Намозова. – Эшигимизни қоққан яхши инсонлар сабаб оиламиз фаровонлиги учун янги қадам ташладик. Уй таъмири учун берилган маблағ билан хонадонимиз фойдаланишга қўйилди.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида ҳам амалга оширилди. Ишчи гуруҳ уч кун давомида тумандаги 14 маҳаллада 380 дан зиёд хонадондаги хотин-қизлар билан мулоқот ўтказиб, уларнинг мурожаатларини ўрганиб чиқди.

Муқаддас Аҳмедова биринчи гуруҳ ногирони. Айни пайтда қизи билан «Оқбулоқ» ҚФЙдаги Алпомиш кўчаси, 13-уйда яшовчи Дилбар Жозилованинг қарамоғида яшайди. Унинг уйи йўқ. Ун йилдан буён тўшака «михланган». Мустақил ҳаракатлана олмагани учун мунтазам даволанишга, ўзгалар парвариши ва кўмакга муҳтож. Бу вазифани 2002 йилда туғилган қизи бажармоқда. Аммо у онасининг парвариши билан машғул бўлгани учун доимий иш жойи билан таъминланмаган. «Қора қозон» маҳалладан берилган моддий ёрдам пулига аранг қайнамоқда.

Матлуба Маллабоева «Дўстлик» МФЙда яшайди. Оиладаги аҳволни ўрганиб экансиз, оддий турмуш шароити ҳам яратилмаганига гувоҳ бўласиз. Омонатгина тикланган уйнинг тобора нураб бораётган деворлари, ҳақиқатда хонадон аъзоларининг оғир турмуш шароитида яшаётганидан далolat. Мазкур оилада 6 киши яшаса-да, уларнинг 4 нафарининг саломатлигида жиддий муаммо бор. Шу сабабли, ўзлари яшаб турган уйнинг нураган қисмини ямаш, суваш ва энгил таъмирлашга қодир эмас.

Бундай таъмирталаб, маиший шароитлари яратилмаган уйда яшаш касалликни бартараф этишда ҳам қийинчилик туғдираётган бўлса, ажаб эмас. Ҳозирда мазкур оилага уй-жой куриш учун 3 сотих ер майдони ажратиб берилди. Аммо амалий ёрдам кўрсатилмаса, оиланинг уй-жойини қуриб, барча шароитли бошпанга эга бўлиши орзулигига қолиб кетади.

Ишчи гуруҳ тавсияси билан ижтимоий кў-

макка муҳтож хотин-қизларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳисобидан моддий-маънавий кўмак кўрсатилди. Жумладан, 15 кўмакка муҳтож аёлга 34,5 миллион сўмлик моддий ёрдам, 6 нафарига замонавий тикув машинаси, 7 нафарига фарзандлари саломатлигини тиклаш учун санаторийга бепул йўланма берилди.

Энг муҳими, туманга иккита турар жой биноси қурилиши ҳамда ер ости сизот сувларини чиқариш учун сертификатлар топширилди.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани оилавий ажримлар борасида энг «пешқадам»лардан бири. Бу ерда расман рўйхатга олинган 4 мингдан ортиқ оиласи бузилганлар яшайди. Айни пайтда ёлғиз оналарнинг 39 фарзанди Меҳрибонлик уйда тарбияланмоқда.

Маълумотларга кўра, тез орада 2 сотихли 40 уй қурилиши режалаштирилган. 21 ёлғиз она ана шундай уй-жойлар билан йил поёнига етувчи таъминланади.

– Давлатимиз ҳам, маҳаллий раҳбарлар ҳам аёллар турмушига фойз киритишга астойдил интиломда, – дейди «Камолот» МФЙда яшовчи М.Бекназарова. – Аммо қишлоқ шароитида рўзгорни тўқис қилиш осон эмас. Боқувчисини йўқотганимиз, икки фарзандим бор. Қани эди, маошли иш бўлса...

Урта Чархин маҳалласида яшовчи Зарифа Умарованинг 5 фарзанди бор. Боқувчисини йўқотган бу оила кўл учиде кун кўради. Ўзи ишсиз. Устига-устак, уйи ҳам йўқ. Опаси уйининг бир хонасини берган. Шу ерда қисиниб-қимтиниб яшаб келмоқда.

– Қўлнинг калталиги, чорасизлик курсин, – дейди у. – Ночорликдан 5 фарзандимнинг бирортасига туғилганликни қайд этувчи гувоҳнома ҳам ололмаганман.

– Ўн беш жон, 5 оила бир ҳовлида яшаймиз, – дейди Сазаган маҳалласида яшовчи Ойсаҳат Нейматова. – Бир хонага 5 кишидан одам тўғри келяпти. Ҳовлидаги 4 аёл ишсиз.

Тўқбой маҳалласида яшовчи Гулшан Тўхтаева хонадониде ҳам муаммолар бир талай. Яшаш уйи абгор ҳолатга келган. Бутун оила бир хонада сиқилиб яшайди. Хонадон бекасининг айтишича, бу ҳолат оилавий можароларнинг авж олишига олиб келаётир. Ана шу жанжаллардан безган оила келини аразлаб кетганига анча бўлган...



– Қўлдан берганга қуш тўймас, деган мақолнинг маъини ҳаётимда англадим, – дейди Сазаган маҳалласида яшовчи Фотима Ҳасарова. – Ўзим ишсизман. Турмуш ўртоғим бир ойда 400 минг сўм маош олади. Оилада беш жонимиз. Бир қизим ногирон. Яшаш уйимиз чала-ярим. Бир хонада тикилиб яшаймиз. Томимиздан чакки ўтади. Баъзида емак-ичмақдан ҳам қисилиб қоламиз. Қани эди менга ҳам иш бўлса...

– Турмуш ўртоғим Рамазон Худоёров дардга чалиниб ётиб қолганига анча бўлди, – дейди Маданият маҳалласида яшовчи Ойширин Худоёрова. – Кун-кунора мардикорликка чиқиб, тўрт-беш сўм топиб келаман. Тежаб-тергаб дори-дармонга, озиқ-овқатга сарфлаймиз. Ростини айтганда, турли идораларга югуришга фурсат ҳам, имкон ҳам йўқ. Шу чоққача бирор идора вакили эшигимизни чертиб, «Биздан қандай ёрдам керак?» деганини ҳам эслай олаемиз.

Давлатимизнинг биз каби қийналганларни қўллаб-қувватлаётганини хонадонимизга келган касаба уюшма вакилларида эшитдик. Биз ногиронликни уйда ҳам белгилас бўлишни, унга пул тўланишини билмаганмиз. Дардларимизни тинглаб, юрагимиз тафтини босган, биздек эйтибдордан четда қолган инсонларга кўмак кўрсатишга бел боғланлардан жуда миннатдор бўлдик.

Самарқанд вилоятидаги кичик саноат зоналари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ипакчиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкони бор. Оилавий тадбиркорлик қилиш истагидаги 37, ишга лаёқатли 551 хотин-қизга тикув машиналари, пандалик маиший техникалари ва қорамоллар олиб бериш ҳамда иссиқхоналар ташкил этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилди.

Умрини рўзгор, фарзанд ташвишидан бошқа нарсани ўйламай, на ичимлик суви, на гази бор, хароба уйда (агар уни уй дейиш тўғри бўлса) ҳали воёга етмаган фарзандлари билан жон сақлаётган аёлни кўз олдингизга келтира оласизми? Ҳатто орзу қилишни унутган оилани-чи?

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги «Мирзо Улугбек» МФЙда 3 фарзанди билан на девори, на дарвозаси бор, ўғри тушган оғил-хонадек ҳавуллаб ётган қулба вайронада истиқомат қилаётган Зарифа Чинмирзаева ана

шундай аёллардан бири. Зах босган хонадониде гилам у ёқда турсин, ҳатто тузукроқ шолчаси ҳам йўқ бу хокисор аёлнинг энг катта ва биттаю-битта орзуси – бошпанасини одам яшайдиган ҳолга келтириш ва атрофини девор билан ўраш... Турмушга чиққанидан буён бирор марта ўзига тузукроқ оро бермаган, рўзгордан орттириб, бир йилда битта янги либос киймаган қишлоқ аёлининг ягона истаги бу. Аммо...

Шу маҳаллада яшовчи яна бир аёл бор – Дилдора Омонова. Тўртинчи синфда тахсил олаётган фарзанди «оққон» хасталигига чалинган. Зах хонада шифтга термулиб ётган Жаҳонгирнинг соғлиги учун шу бошпанани ҳам сотувга қўйган. Муҳими – ўғли тузалиб кетсин! Ахир, ота-бобомиздан қолган нақл бор: бош омон бўлса, дўппи топилади.

Уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганиш натижасида Навбахор туманида 414 кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва нотинч хонадон, 198 уй-жойга муҳтож ва мавжуд уй-жойини таъмирлашга эҳтиёжманд оила аниқланди.

Баъзи муаммоларни жойида ҳал этиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, 24 аёлга даволаниш, дори-дармон, уй-жойларини таъмирлаш ҳамда турмуш тарзини яхшилаш учун ўртача моддий ёрдам кўрсатилди. 50 кам таъминланган, боқувчисини йўқ аёлнинг фарзандлари учун кийим-бош жамланмаса олиб берилди. 10 хотин-қизга соғлигини тиклаш учун санаторийга йўланма ажратилди. 30 хотин-қизга маиший техника воситалари берилди. 50 мактаб ўқувчисига кийим-бош ва ўқув қуроллари, 10 аёлга ногиронлик аравачалари топширилди.

Шу тумандаги Кухрон маҳалласида чинни буюмлар ишлаб чиқариш цехи лойиҳасини йўлга қўйиш орқали 70 хотин-қиз иш билан таъминланадиган бўлди. Бундан ташқари, янгидан ташкил этилаётган Хатирчи туманидаги тўқимачилик фабрикасида 50 иш ўрни яратилмоқда.

Ишчи гуруҳ бошқа жойларда ҳам ўрганишларини давом эттириб, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилмоқда. Айни кунларда бу саъй-ҳаракатлар пойтахтимизда давом этаётир.

Битта туманда 1 минг 193 боланинг тирик





ЖАМИЯТНИКИ ҲАМДИР...

фаолиятига чизгилар

етимга айланганини тасаввур қила оласизми? Бир мактабда тахсил олаётган болаларнинг барчаси сағир эканини-чи? Бундай аянчли ҳолатлар рўй бераётганига ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ.

Республика ишчи гуруҳи Тошкент шаҳридаги аёллар муаммоларини Олмазор тумани мисолида ўрганиш чоғида ана шундай ҳолатга дуч келди. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтдаги аёлларнинг ижтимоий шарт-шароити ҳавас қилгулик эмас. Биргина Олмазор туманидаги 58 маҳаллада 443 хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшмоқда. Оилавий ажримлар сони 942 та, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар сони эса 98 та.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ажримларга оилавий келишмовчиликлар, бепарзандлик, хиёнат, узоқ муддат бир оила бўлиб яшамаслик, иқтисодий муаммолар ва ишсизлик сабаб бўлган.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ИШОНЧНИ ОҚЛАПТИ (МИ)?

Жорий йил март ойдан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида хотин-қизлар муаммолари бўйича «1211» қисқа рақамли «Ишонч телефони» иш бошлаган эди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Федерация раиси раҳбарлигида тузилган Ишчи гуруҳ томонидан айнан хотин-қизлар ҳаётини изчил ўрганиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни таҳлил қилиш, ечим топиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга олинса, ушбу марказнинг Федерацияда ташкил этилгани айтиш мумкин бўлганга шубҳа йўқ. Энг муҳими, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан опа-сингилларимиз ушбу телефон рақамига ўз дардлари билан мурожаат қила бошладилар. Бу ҳам ишонч.

Бухоролик Назокат Нурова кам таъминланган оиладан. Боз устига, бу аёл муолажаси катта харажати талаб қилувчи хасталикка чалинган. Ўтган йили уни қийнаётган дардга шаҳар-

даги 2-сонли оилавий поликлиникаси «Сурункали тошли холецистит» ташхисини қўйиб, беморни назоратга олганди. Н.Нурова камхаржлиги боис, шу пайтгача даволана олмаётганди. Унинг бахтига, танишлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида хотин-қизларнинг мурожаатларини қабул қилиш бўйича узлуксиз ишлайдиган «Ишонч телефони» хизмати фаолият кўрсатаётганини айтиб қолди.

Ушбу фуқаронинг имтиёзли даволаниш учун мазкур хизматга ёрдам сўраб қилган мурожаати Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вакиллари, маҳаллий ҳокимлик ва бошқа тегишли мутасаддилар ҳамкорлигида ўрганилди. Шундан сўнг Н.Нурова тиббий кўриқдан ўтказилиб, унга имтиёзли даволаниши учун ордер ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, бухоролик эҳтиёжманд хотин-қизлар оғирини енгил қилишда, муаммоларини ҳал этишда «Ишонч телефони» хизматининг ўрни катта бўляпти. Ёшувонлик Гулбахор Бобомуродова ҳам шу орқали мушқули осон бўлган фуқаролардан бири. Тумандаги Шарқ маҳалласида яшайдиган бу аёлнинг хонадонида карантин шароити сабаб иқтисодий қийинчилик юзага келган эди.

Ёрдам сўраб мурожаат қилган Г.Бобомуродованинг илтимоси қондирилди. Яна бир мурожаатчи – Когон туманининг Мустақиллик маҳалласида яшовчи Зарина Дўстназарова ва унинг оиласи ҳам зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Самарқанд вилоятидаги мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий масалаларга дахлдор. Уй-жой, иш, карантин кунларидаги моддий қийинчилик, ҳатто алимент ундиришдаги муаммоларга дуч келаётганлар ҳам ўз дардини айтган. Ҳудудлар бўйича таҳлил энг кўп мурожаат Самарқанд шаҳри, Пастдарғом ва Пахтачи туманлари ҳиссасига тўғри келаётганини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мурожаатларни белгиланган фурсатларда ижрога йўналтириш бўйича вилоят ҳокимлигида штаб ташкил этилган. Хотин-қизлар кундаки турмушда дуч кел-



лаётган муаммолар дахлдор ташкилотлар жалб этилган ҳолда ҳал этилмоқда. Мурожаатлар орасида бир мунча вақт талаб этадиганлари ҳам бор. Бундай ҳолатлар қатъий назорат остига олинмоқда. Ҳуқуқий ёрдамга муҳтож фуқароларга эса мутахассислар тезлик билан амалий кўмак кўрсатмоқда.

Ургут туманидаги Жайратепа маҳалласида яшовчи Мунаввара Раупова «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилиб, лойсувоқ уй томини шиферлашга ёрдам сўраган. Мурожаатчи хонадони аҳоли ўрганилиб, қурилиш ашёлари етказиб берилди.

– Гулдай хунарим бор-у, қўлим калталик қилиб, ундан фойдалана олмаяман, – дея ўз дардини баён этган Пастдарғом туманидаги Янги қишлоқ маҳалласида яшовчи Дилафрўз Эргашева. – Боз устига, турмуш ўртоғим ҳам ҳозирча бекор. Ейман-ичаман, деган 4 фарзандимиз бор. Бизга озиқ-овқат эмас, кейинчалик ҳам рўзгоримизга асқотадиган восита керак. Битта тикув машинаси бўлса, рўзгорга уч-тўрт сўм ишлаб топшиш имкони пайдо бўларди...

Мурожаатчининг муаммоси касаба уюшмалари кўмагида ҳал этилди. Замонавий тикув машинасига эга бўлган чеварнинг қувончи чексиз.

Аммо мурожаатлар ечими билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилганда, барча мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат идоралари ҳам бу муаммоларга сидқидилдан ва фидоийлик билан ёндашапти, дейиш мумкин бўлар эди. Келинг, таҳлилларга эътибор берайлик.

«Ишонч телефони» маълумотларига кўра, марказга жорий йилнинг 19 июнигача жами бўлиб 23 минг 81 мурожаат келиб тушди. Уларнинг 7711 таси ижтимоий, 4427 таси уй-жой билан боғлиқ, 2612 таси карантин муносабати билан ёрдам кўрсатиш, 2373 таси бандлик, қолганлари алимент ундириш, кредит, тадбиркорлик, коммунал хизмат, ер ажратиш ва бошқа йўналишларга тааллуқли экани аниқланди.

Ушбу мурожаатларнинг барчаси ўрганилиб, тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилотларга ҳал этиш учун юборилмоқда ва уларнинг ижроси изчил назорат қилиб борилмоқда.

лигача Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги – 259 та, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги – 215 та, Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 221 та, «Худудгазтаъминот» АЖ – 28 та, Тошкент вилояти ҳокимлиги – 375 та, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги – 290 та, Тошкент шаҳар ҳокимлиги – 357 та, Бухоро вилояти ҳокимлиги – 167 та мурожаатга нисбатан лоялдиларча муносабатини ўзгартиргани йўқ. Баъзида эса келиб тушаётган жавоблар назорат тартибиде ўрганилганда сохта ва ёлғон маълумотлар ҳам юборилаётгани, бир сўз билан айтганда, ишларни қоғозда жуذا жиддий сабаб бўй кўрсатиб турганини тушуниш, ҳис қилиш наҳот шунчалар қийин? Федерациядан бизга маълум олиятгани зиммасига олмаётганларга мурожаат қилиш йўқ, Шу боис «O'zbekiston 24» телеканали орқали «Аёл рози бўлса...» деб номлан-



Кўтарилган муаммоларнинг 8 минг 197 таси, яъни 35,5 фоизи вазирлик ва идораларга, 14 минг 884 таси, яъни 64,5 фоизи ҳудудий ҳокимликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тегишли деб топилди ва уларга кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун юборилди.

Маълумки, фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ишлаш ҳам қонун билан тартибга солинади. Демак, уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ муддатлари ҳам белгилаб берилган. Масаланинг энг муҳим жиҳати ҳам шу ерда.

Қонун бўйича ижро муддати етиб келган 20 минг 075 мурожаатнинг 15 минг 980 таси ҳал этилган, 747 таси муддатли назоратга олинган, 1 минг 436 тасининг ижро муддати узайтирилган, 1 минг 912 тасининг эса ижро муддати ўтиб кетган.

Афсуски, бир неча бор бу масалада огоҳлантиришлар, оммавий ахборот воситалари орқали билдиришларга қарамай, ҳа-

ган махсус дастур тайёрланиб, бу борадаги ишлар ҳақида кенг жамоатчиликка маълумотлар етказиб борилмоқда ҳам.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Энг муҳими, ислохотлар самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бугундаги раҳбарлар, ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун меҳнат қилиши шарт.

Республика ишчи гуруҳи ўрганишлари давом этади. Энди ўрганишлар давомида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси, уларнинг ночор оилалар, айниқса, аёлларнинг тақдирига самараси назорат тартибиде ўрганилади.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири



Дунё бўйича COVID-19 билан боғлиқ маълумотлар кун сайин эмас, соат сайин ўзгармоқда. Улар шунчалик кўп ва ҳатто баъзан бир-бирини инкор этадиган даражадаки, уларнинг қай бирига ишоншни ҳам билмайсан киши. Лекин коронавирус билан боғлиқ вазият сўнги ойлarda дунё аҳлига жиддий руҳий таъйиқ ўткази бошлагани рост. Коронавирус тарқалганига ҳам ярим йилдан ошди. Аммо шу вақтгача башарият умидланаётган нажотдан дарак йўқ. Коронавирусни биз билган гриппга менгаган олимларнинг ёз келиши билан коронавирус ҳам йўқ бўлади, деган башорати ҳам пучга чиқди. Аксинча, дунёда вирус тарқалиши шитоб билан давом этмоқда. Боз устига, бу дарди бедавони даволаш усуллари ҳам вақт ўтган сари ўзгариб бормоқда. Мана шундай бир шароитда бутун дунё самарали вакцина яратилишига кўз тикиб турибди.

ВАКЦИНА ҚАЧОН ЯРАТИЛАДИ?

Коронавирус фанга 2002 йилдан буён маълум бўлишига қарамай, шу пайтга қадар тарқалиш хавфи пастлиги учун етарли даражада ўрганилмаган ва унга қарши самарали воситалар ишлаб чиқилмаган эди. Қолаверса, юкумли касалликларнинг олдини олишда кенг қўлланганидан вакциналар ҳам бу вирусга қарши яратилмаган.

Умуман олганда, сўнги йилларда қатор вирусларга қарши вакцина яратиш жараёнлари бир мунча сустлашган. Сабаби, вирус тез мутацияга учрайди ва унга қарши воситалар кўп вақт ўтмай самарасиз бўлиб қолади. Вакцина яратиш эса узок муддат ва катта маблағ талаб қиладиган жараён.

Вакцинани ҳамма кутаяпти. Деярли барча мамлакатларнинг олимлари шу ҳақда бош қотирапти. Фақатгина Россиянинг ўзида ўнга яқин йирик ташкилотлар деярли бир вақтнинг ўзида вакцина ишлаб чиққанини идадо қилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз вакцинаси самарали эканини таъкидламоқда.

Хусусий лабораторияларда ҳам шу аҳвол. Масалан, таниқли олим Илья Духовлинов ўзининг хусусий компаниясида вакцинани ишлаб чиқиш лойиҳаси билан шуғулланди. У узок йиллар Давлат ўта тоза биологик маҳсулотлар илмий-тадқиқот институтининг вакциналар генетик муҳандислиги ҳамда Экспериментал тиббиёт институтининг оксиллар генетик муҳандислиги лабораторияларини ҳам бошқарган.

«Бизда вакцинанинг фаол моддаси бўлган молекула бор ва биз уни ишлаб чиқаришнинг кенг қўламли технологиясини ҳам яратдик. Вакцина токсик эмас. Мен ўзимни шу вакцина билан 14 кун оралгимда икки марта эмладим. Ўзимни жуда яхши ҳис қилдим. Ҳеч қандай салбий оқибатларини сезмадим. Вакцинани ҳарорат кўтарилиши мумкин, холос», дейди олим.

Яқинда Россия бош вазири ўринбосари Татьяна Голикова янги инфекцияга қарши 47 (!) та вакцина устида иш олиб борилаётгани ҳақида баёнот берди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур тадқиқотларга федерал бюджетдан 3,1 миллиард рубль ажратилган.

Куни-кеча эса Роспотребнадзорнинг «Вектор» маркази коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқилгани, уни бурундан юбориш мумкинлиги ҳақида маълумот тарқатди. Энди унинг самарадорлиги синодан ўтказилмоқда. Ўпка касалликларини одамлардек кечирувчи сувсарларда тажриба ўтказилган, улар ўзларини жуда яхши ҳис қилмоқдалар. «Вектор» мутахассислари шу ой вакцинани одамларда синодан ўтказишни бошлашди.

Аммо ўтган олти ой вақт давомидаги таҳлиллар вакцина тўлиқ яратилиши ва қўлланилишига ҳали анча фурсат борлигини кўрсатиб қўймоқда.

ШОШИЛМАСЛИК КЕРАК


Вакцина ишлаб чиқувчиларга қаршилар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳа, шундай. Турли мамлакатлар олимлари вакцина яратишни тезлаштириш нафақат фойдасиз, балки одамлар учун хавфли бўлиши мумкинлигини айтишмоқда.

И.Мечников номидаги вакциналар ва зардоблар илмий-тадқиқот институти илмий раҳбари, И.Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университетининг микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси мудури академик Виталий Зверевнинг фикрича, ишончли вакцинани икки йилдан вақтироқ яратиб бўлмайди. Ҳар қандай дори воситасини яратишнинг аниқ белгиланган босқичлари бор. Масалан, сурункали токсиклик олти ой давомида ўрганилади. Олти ойдан сўнг эмланган тажриба ҳайвонлари сўйилади ва ушбу модда бўйраклар, юрак, жигар, қон томирларига қандай таъсир қилгани ўрганилади. Шундан кейингина вакцина инсонларда синодан ўтади.

«Албатта, агар тартибга солувчи органлар шовишлик равишда қарор қабул қилса, бу босқичларни қисқартириш мумкин. Аммо бу – хавфли. Шахсан мен текширувларни тезлаштириш ва дарҳол ҳаётда қўллашга қатъий қаршиман», дейди академик.

Унинг таъкидлашича, бугунги кунда эски технологиялар асосида вакцина яратиш мумкин. Бунда узок текшириш талаб этилмайди. Аммо натижа салбий бўлиши мумкин.

«Масалан, гриппга қарши вакцинани ишлаб чиқиш технологияларини олиб, улар асосида коронавирусга қарши вакцинани яратиш мумкин. Аммо гап шундаки, бошқа вирусларга қарши вакциналарни яратиш усулини бошқа вирусларга қарши вакциналар яратишда қўллашга ҳара-



COVID-19:

Жаҳонни нима кутмоқда?

ўзини оқламаган фаразлар ва умидбахш қарашлар ҳақида

кат қилсак, сезиларли ютуққа эга бўлмаймиз», дейди Зверев.

Юз бораётган воқеаларга қатъий қарши чиқаётганлар орасида америкалик экологчи Роберт Френсис кичик Кеннеди ҳам бор. У SARS ва MERS коронавирусларига қарши яратилган вакциналарни мисол қилиб келтиради.

Хитой ва Фарб давлатлари 35 та вакцинага миллионлаб доллар сармоя киритди. 2014 йилда уларнинг энг муваффақиятли деб топилганларини сувсарлар танасига киритишди. Аввалига ҳайвонлар ажойиб натижа кўрсатишди, уларнинг барчасида керакли антитаналар ишлаб чиқарилди. Аммо вакцина иккинчи бор киритилгач, фалокат юз берди – сувсарлар тез ривожланган яллиғланишдан ҳалок бўлди.

2014 йилда АҚШ Соғлиқни сақлаш миллий институти DNG безгага қарши вакцинани яратди ва тезкор синовлардан сўнг вакцинани Филиппинга юборди. У ерда минглаб болалар эмланди. Натижада, эмланганларнинг деярли барчаси оғир касалга чалиниб, улардан 600 нафари вафот этди.

«Эмланган ҳайвонларда иммунитет кучайишининг олдини олиш учун вакцинани жиддий синодан ўтказиш керак. Акс ҳолда, коронавирусга чалинганлар орасидаги 2 фоизлик ўлим ҳолати 20-30 фоизликка айланиши мумкин. Бизнинг бошимизга сувсарларнинг куни тушади», дейди Роберт Френсис кичик Кеннеди ва ҳозирда улкан маблағлар пойғасида олимлар икки қарама қарши тушунча – «шошилиш» ва «фан»ни бирлаштиришга ҳаракат кетаётганини таъкидлайди. «Аммо бу тушунчадан бир-бирига мутлақо зид», дея хулоса қилади эксперт.

Айтганча, анча-мунча реклама қилинган ҳамда август ойининг охирида ишлаб чиқарилиши мўлжалланган Оксфорд вакцинасининг ҳам охириги синовлари қўтилган натижаларни бермади.

У билан эмланган олтиа макака инфекцияни худди эмланмаган маймулар сингари оғир ўтказди. Вакцина юкумли касаллиқнинг биринчи босқичида – юқори нафас йўллари зарарланганда, ҳайвонларни ҳимоялай олмади.

Ваҳоланки, ҳукумат уни ишлаб чиқиш учун 90 миллион фунт ажратиб қўйган эди. Вакцина инфекцияга қарши етарли антитаналарни ишлаб чиқара олмади.

Американинг «Модерна» компанияси ҳам вакциналар пойғасида пешқадам. Унинг экспериментал вакцинаси кичик клиник синовларда намойиш этилган коронавирусини зарарсизлантирадиган антитаналарни ишлаб чиқаришни тасдиқланди. Эмлашдан кейин антитаналарнинг мавжудлиги коронавирус билан оғриган беморларда кузатишдан даражада мос келди. Аммо бундай баёнотлар мустақил экспертизага муҳтож, баъзан улар ҳақиқатдан йироқ ва кўпроқ маблағ жалб қилиш учун реклама сифатида чиқарилади.

Тўрта потенциал вакциналар Пекин компанияси томонидан ишлаб чиқилмоқда. Хабар қилинишича, шимпанзегга қилинган тестларда улардан бири касаллиқнинг ривожланишини тўхтатган. Хитой ўз вакцинасини бошқа мамлакатларга бепул беришга ваъда берди.

Аммо Хитойнинг бу баёнотларига шубҳа билан қараётганлар кўпчилигини ташкил қилади. Қолаверса, Хитой вакциналарининг сифати борасида ишонч деярли йўқ.

ЎЗЛАРИ ЭМЛАНМОҚЧИ ЭМАС

Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг Марказий федерал округи бўйича штатдан ташқари бош пульмонолог Андрей Малаевин журналистларга у ишлаб чиқилган дастлабки вакцина билан эмланиш ниятида эмаслигини айтди. Бу

хавфли ва шошилик равишда ихтиро қилинган вакциналар юз фоизлик ҳимояни таъминламайди.

– Ҳозир воқеаларни сиёсий сабабларга кўра тезлаштиришгаётганини, бунга ижтимоий эҳтиёж ҳам борлигини тушунаман. Аммо хавфсизлик энг биринчи ўринга қўйилган ҳар қандай дориларни, организмга таъсир қилиш воситаларини синодан ўтказиш тартибидек яхши клиник амалиётни ҳозирча ҳеч ким бекор қилган эмас», дейди Малаевин.

Бу ҳақда Исроилда ҳам сўз бормоқда. Иммунолог олим Жейкоб Беркунинг таъкидлашича, COVID-19 вакцинасини оммавий равишда жорий этиш масаласида шошилмаслик керак, унинг кутилмаган салбий оқибатлари бўлиши мумкин.

ГРИППГА АЙЛАНДИ(МИ)?

Бугунги кунда кўпчилик олимлар коронавирус гриппга ўхшаш оддий касалликка айланади, деган фикрда. Аммо бу касалликка чалинмаган оддий одамлар нима қилсин?

«Ҳозирча вазият қўрқувни кучайтираётганига гувоҳ бўляпман. Масалан, кўчалар дориланяпти, уйлар ювиляпти. Аммо бу – фойдасиз. Чунки кўчада вирус йўқ. Аммо бу баъзи бактерияларнинг антисептик эритмаларга қаршилигини ошириши мумкин. Кейин ўша бактерияларни бирон бир антибиотик билан даволаш анчайин қийинлашиши мумкин», дейди академик Зверев.

У ваҳима кўзғатмаслиқни ва сеҳрли вакцинани орзу қилмаслиқни маслаҳат беради. Унинг фикрича, оддий санитария талабларига одатланиш керак. Аммо юриш, ҳаракат қилиш, айниқса, болалар ва қариялар учун жуда зарур.

«Чунки кам ҳаракатлик иммунитетнинг пасайишига олиб келади. Унда ҳеч қандай вакцина ҳам наф бермайди», дейди академик.

Шу боис, хиёбонлар ва истироҳат боғларидаги чекловларни олиб ташлаш, болаларнинг ёзги соғломлаштириш муассасалари ишони қайта тиклаш, иқтисодий ва молиявий инқирозни, шу қаторда, иқтисодий ўлимни ҳам юмшатиш учун ишлаб чиқариш, савдо ва хизматларни тезда ишга тушириш керак.

ЖССТ ОБРЎСИГА ДАРЗ КЕТДИ(МИ)?

10 йилдан ортиқ вақт давомида мамлакатдаги барча эпидемияларга қарши курашиш учун маъсул бўлган СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг карантин инфекциялари Бош бошқармасини, кейинчалик 26 йил давомида Е.Марциновский номидаги тиббий паразитология ва тропик тиббиёт институти башқарган РФА ҳамда РФФА академиги, профессор, тиббиёт фанлари доктори Владимир Сергеев Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг COVID-19 билан боғлиқ фаолиятини қаттиқ танқид остига олди.

Унинг фикрича, ҳар йили дунёда тахминан 51 миллион нафар киши вафот этади. Шулардан учтадан бири – инфекциялардан, ҳар бештадан бири – юрак-қон томир касалликларидан. Ҳозирда COVID-19 туфайли ўлим ҳолатлари дунёда ҳар йили вафот этаётган 51 миллион нафар одамнинг 0,7 фоизидан бироз кўпроқ бўлса – бордир.

Шу боис, у COVID-19ни эпидемия деб аташга ҳам қарши.

«Маълумот учун: Гонконг гриппи эпидемиясининг энг юқори чўққиси 1969 йил 2 январь куни Москвада бўлган. Бир куннинг ўзида гриппга чалинган 102 минг нафар москвалик шифокорларга мурожаат қилган (COVID-19 учун энг юқори кўрсаткич – 11 минг). Кейин ўн минглаб одамлар ҳалок бўлди. Ҳақиқий эпидемия бу. Мавжуд вазиятни паст интенсивлик-

даги эпидемиологик портлаш деб таърифлаш мумкин», дейди олим.

Шундай бўлса-да, ЖССТ пандемия эълон қилди ва деярли бутун дунё паст интенсивликдаги эпидемиологик портлаш сабабли карантинга олинди.

«Афсуски, бу ЖССТ асосиз ваҳима қилган биринчи ҳолат эмас. 1994 йилда ЖССТ Бош директори жаноб Накажима ташаббуси билан Ҳиндистонда ўпка ўлатининг тарқалиши эълон қилинди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ҳиндистондаги баёнотидан кўп ўтмай мамлакатда бирдан ўпка ўлатининг 1061 та ҳолати ва 54 кишининг ўлими қайд этилди.

У ердаги вазиятни батафсил таҳлил қилгандан сўнг бир гуруҳ экспертлар халқаро

Дунё ташвишлари

ШАХМАТ ТАХТАСИДЕК...

Россиялик олимларнинг фикрича, COVID-19нинг асосий муаммоси қоннинг қуюқлашишидир. Касалланган ўпкада газ алмашинуви шундоқ ҳам қийин кечади, қон қуюқлашгани учун одам деярли нафас ололмай қолади. Ўпка тромбози туфайли беморнинг аҳволи ёмонлашади. Оқибатда бемор гипоксиядан вафот этади. Шу боис, яқинда қўлланила бошланган даволашнинг етакчи, илгор усули паст молекуляр оғирликдаги гепаринни қорин бўшлиғига инъекция қилишдир. Қон суюлади ва беморнинг аҳволи тезда яхшиланади.

Аммо бунда ҳам ўзига яраша муаммолар бор. Бундай муолажа умуман тўғри келмайдиган беморлар тоифаларини унутмаслик керак. Булар қаторига ошқозон яраси, бачадон миомаси, ҳатто бавосил касалликлари бор беморлар кирради.

Қолаверса, вирус тананинг кўпгаб аззола-рига зарар етказиши. У ўпка тўқималарига ҳам, гемоглобинга ҳам таъсир қилиб, унинг фаолиятини издан чиқаради. Темир синтезига, юрак-қон томир тизимига ва қон томирлари эпителия-сига таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи, Республика бош давлат санитария инспектори Нурмат Отабековнинг сўзларига қараганда, «Коронавирус инфекциясининг энг оғир аломати бу нафас етишмовчилиги. Сурункали касаллиги мавжуд одамлар коронавирус инфекцияси туфайли вафот этаётган ҳолатлар бор. Кимнинг юрак-қон томири билан боғлиқ, жигар касалликлари, қанди диабет билан боғлиқ касаллиги бўлса, уларда кўпроқ ўлим ҳолати кузатишмоқда».

Хуллас, ҳозирги кунда COVID-19ни даволаш шахмат тахтасида ўйнашдек бир гап.

ВАЗИЯТ ЎНГЛАНИШИГА УМИД БОРМИ?

Дунё олимлари янги коронавирус ҳақида бир неча умидбахш далиллари келтириб ўтмоқда.

Мана улар: Биз вируснинг нималигини биламиз. Уҳанда расман тарқабан 2019 йил 31 декабрдан атиги етти кун ўтиб, ўткир пневмонияга олиб келувчи вирус аниқланди. 3 кундан кейин эса, унинг генетик кетма-кетлиги маълум бўлди. Шунингдек, коронавируснинг табиийлигини ҳам биламиз, у кўршапалакда топилган вирусга алоқадор ва мутацияга учраши мумкин.

Вирусга қарши тест бор. Ҳали 13 январда, яъни вируснинг генетик кетма-кетлиги аниқланганидан атиги уч кун ўтиб, ташхис қўйиш учун ишончли тест ишлаб чиқилди. Тестни Берлин университетети мутахассислари Лондон, Роттердам ва Гонг-Конгдаги ҳамкасблари ёрдамида ишлаб чиқишган.

Вирусни жиловлаш мумкин. Кенг миқёсдаги карантин ва чекловлар иш бермоқда.

Юқтириш осонмас (агар эҳтиёт бўлсак) ва вирусни осонлик билан енгишимиз мумкин (агар ҳаракат қилсак). Қўлни тез-тез ва яхшилаб ювиш вирус юқишининг олдини олади. Дезинфекция қилувчи одатий воситалар яхши самара беради. Касалликни юқтириш учун сиз коронавирусга



журналда таҳлилий мақола билан чиқишди ва 1994 йилда Ҳиндистонда ўпка ёки бубон вабоси йўқлигини исботладилар.

Мен ушбу мисолни ЖССТ эпидемик вазиятни баҳолашда жуда ҳато қилишини кўрсатиш учун айтдим», дейди Сергеев.

Бу фикрни ЖССТ коронавирус билан боғлиқ вазиятда давлат раҳбарларининг танқид нишонига айлангани ҳам тасдиқлайди. Хусусан, АҚШ президенти Дональд Трамп, Бразилия президенти Жаир Болсонару, Франция президенти Эммануэль Макрон каби кўпгаб давлат раҳбарлари ЖССТ жиддий ислоҳ этилиши керак деган фикрда. Бу тақдир яқинда «катта этилик»нинг тадбирида ҳам янграб ўтди.

ЎСШҚ ЗАРАРМИ – ФОЙДА?

Дунё олимларининг ақсарияти коронивирусни даволашда ўпкани сунъий шамоллатиш зарарли ва фақат 20 фоиздагина ёрдам бериши мумкин деган фикрни илгари сурмоқда. Ҳозирда бу ускуналар оғир пневмония ва оғир ковоидли беморларда қўлланилади, аммо одамлар ҳаддан ташқари босим туфайли вафот этадилар – ЎСШҚга уланган беморларда ўпка ёрилиши ҳолатлари учраган.

ЎСШҚ – жуда мураккаб қурилма, баъзида ҳаётга мос келмайдиган асоратларни келтириб чиқаради, шунинг учун уни жуда эҳтиёткорлик билан ишлатиш зарур.

Жаҳонгир НАҲАНОВ,

«ISHONCH»



Камбағаллик тоифаси қандай аниқланади?



Иқтисодий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида иқтисод фанлари доктори, профессор Барногул Санокуллова билан суҳбат.

– Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида қандай муаммолар бор?

– Рақамли иқтисодиётнинг афзал жиҳатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, агар рақамлаштиришга тўлиқ ўтишга улгурганимизда, коронавирус пандемиясининг иқтисодиётимизга таъсир доирасини кескин қадар камайтиришга эришган бўлар эдик. Рақамлаштиришга эришиш орқали иш ўринларини ва иш унумдорлигини масофадан туриб яратиш мумкин. Қолаверса, рақамлаштириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар таннарини кескин тушириш, уларнинг сифатини назорат қилиб боришга жуда қисқа муддатларда эришишга имкон беради. Бу эса коррупциянинг олдини олишга сабабчи бўлади. Рақамлаштиришнинг энг асосий талаби – электр энергияси, газ, сув таъминотининг 24/7/365 режимида етказиб берилишига эришиш ҳисобланади. Бу талаб бажарилмаса, жамият ҳаётини рақамлаштириш ҳақида мулоҳаза юритишдан мантиқ ва маъно йўқ. Бу борада қабул қилинган давлат дастурини амалга ошириш кенг қамровли чора-тадбирларга боғлиқ.

Камбағаллар орасида қари, ишга яроқсиз аҳоли кўпчилигини ташкил этадиган бўлса, бу ҳолда давлат ана шу ёш тоифасидаги аҳолини камбағаллик чегарасидан чиқариш учун уларга узвий равишда нафақа ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиши керак.

– Ишсизлик муаммосини қандай ечиш мумкин? Ишсизликнинг тобора ошиб боришига сабаб нима?

– Мамлакатимизда камбағал тоифа бориши расмий тан олинди. Бунинг туб

илдизи ишсизликка бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас. Ишсизликнинг ошиб бориши, омиллари аниқлаш, унга қарши курашиш учун қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш зарур.

1. Мамлакатимизда камбағаллик тоифасининг даражаси 15 фоизга тенг дейилмоқда. Хўш, бу қандай аниқланди? Амалга етдики даражадаги камбағаллик ҳам мавжуд. Камбағалликнинг миллий ва халқаро даражаси бўлиб, биринчиси, «трикчилик учун зарур энг кам миқдор»дан, иккинчиси эса қўнлик истеъмол даражаси 2 доллардан кам бўлган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Афсуски, юртимизда «трикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «Истеъмол саватчаси» сининг ҳажми ҳамда қиймати ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу эса қайд этилган кўрсаткичнинг қанчалик ҳаққоний эканини шубҳа остига қўйиши мумкин. Мазкур саволга жавоб муаммонинг асл қамровини билиш ва шунга асосан муаммони бартараф этиш қийматини аниқлаш имконини беради.

2. Камбағаллик даражасининг географик таркибий тузилмаси қандай? Қайси ҳудудда неча киши камбағал? Ана шу саволларга аниқ жавоб топилсагина, ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий салохиятига қараб манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин.

3. 15 фоизлик камбағаллик даражасининг ёш категорияси бўйича сегмен-

тацияси қандай? Бунда ҳудудлар бўйича энг юқори улуш неча ёш ҳисобига тўғри келади? Бунинг муҳимлиги шундаки, камбағаллар орасида қари, ишга яроқсиз аҳоли кўпчилигини ташкил этадиган бўлса, бу ҳолда давлат ана шу ёш тоифасидаги аҳолини камбағаллик чегарасидан чиқариш учун уларга узвий равишда нафақа ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиши керак. Агар ёшлар кўпчилик бўлса, у ҳолда ҳудудий сегментация ва ҳудудлар бўйича бандликни таъминлаш йўл хариталари орқали уларни иш билан таъминлашга доир ислохотларни амалга ошириш зарур бўлади.

4. Бугунги кунда Ўзбекистонда «бола-лар камбағаллиги» даражаси қанча? Бу

масала сифатида кун тартибига чиқаради.

– Юртимизда камбағаллик даражасини камайтириш борасида турли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайдими. Одамларда тадбиркорлик интилишни кучайтириш, боқимандалик кайфиятидан қўтқариш учун яна қандай таклифлар бор?

– Бу масалани ечиш учун иқтисодиётда «ижтимоий тадбиркорлар» тоифасини яратиш керак. Аниқроқ айтганда, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни бартараф этишга ажратила-



саволга аниқ жавоб олиш орқали келгусида юзага келиши мумкин бўлган камбағаллик тоифасини камайтириш ёки бутунлай йўқотиш мумкин.

Шу ўринда сунъий интеллект, юқори технологиялар, IT, блокчейн технологиялар, Big Data каби соҳаларнинг тобора ривожланиб бориши иқтисодиётни рақамлаштиришни тезлаштириши баробарида ишсизлик даражасининг янада ошишига олиб келиши ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки аввал беш нафар ишчи ишлаган ишлаб чиқариш жараёни моделлаштириш ва автоматлаштириш натижасида у ерда бир киши ишлашга мажбур бўлади. Бундай ҳолат янги соҳаларни тез ўзлаштири олиши талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, ана шундай ёш кадрларни тайёрлашни ҳам долзарб

диган маблағни камбағалларнинг қўлига эмас, айнан камбағалликни камайтиришни эплай оладиган ижтимоий тадбиркор қўлига бериш керак, деб ҳисоблайман. Ижтимоий тадбиркор муайян бир ҳудуддаги аниқланган камбағал қатламни қисқа муддатда иш билан таъминлаб, уларнинг даромад олишига ёрдам беради. Албатта, бу жараёнда ижтимоий тадбиркорнинг ўзи ҳам фойдага эришади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ижтимоий тадбиркорнинг мақоми ва унинг мезон кўрсаткичларини қўнучликда акс эттириш зарур. Ҳуқуқий асос яратилса, ҳар қандай ислохотни амалга ошириш механизми осонлашади ва самарадорлик ҳам юқори бўлади.

Меҳризода НУР
суҳбатлашди.

Андижон вилояти



Андижонда суюлтирилган газ ташувчи вагон ишлаб чиқарилмоқда

Андижон механика заводининг Пахтабод филиалида суюлтирилган газ ташишга мўлжалланган вагон-цистерна ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Худудга таъминот» акциядорлик жамияти буюртмаси асосида тайёрланаётган маҳсулотнинг дастлабки бештаси сновдан ўтди.

– Истеъмолчиларнинг суюлтирилган газга бўлган талаби ортаётгани боис, уни вагон-цистерналарда ташишга босқичма-босқич ўтказиш мақсад қилинган, – дейди «Худудга Андижон» масъулияти чекланган жамияти матбуот котиби Акмалжон Холиқов. – Йил охиригача завод ушбу мосламадан 204 та баллонга жо бўлади. Илгари вагон цистерналардан фойдаланиш автотранспортларга нисбатан харажатларни 40 фоизгача тежаш, ташиш ҳажми ҳам шунга мос равишда ортиши ҳисоб-китоб қилинди.

Айни пайтатда Фарғона водийси вилоятларида суюлтирилган газ етказиб беришда фойдаланилаётган вагон-ци-

терналарнинг сифими 60 м³га тенг эди. Янги модификациядаги вагонларда эса бу кўрсаткич 83 м³ни ташкил қилади. Содда тилда айтсак, шу кунгача битта цистернадаги ёнилги билан 1 минг 500 дона маиший баллон тўлдирилган бўлса, янги турдаги мосламада келувчи газ миқдори 1 минг 800 та баллонга жо бўлади. Илгари бешта вагондан иборат битта қатновда келтирилган газ 7,5 минг оилага кириб борган бўлса, эндиликда 9 минг хонадондаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжи қопланади. Янги маҳсулотнинг афзаллиги шунда.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«ISHONCH»



Эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

Жиззах вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига «DORI-DARMON» АК бошқаруви йиғилишининг 05.06.2020 йилдаги 16-сонли баённомаси қарори, «Жиззах Дори-Дармон» МЧЖнинг 16.06.2020 йилдаги 40-сонли буйруғи ва 17.06.2020 йилдаги 139-сонли буюртманомасига асосан «Жиззах Дори-Дармон» МЧЖ балансидаги Зафаробод тумани, «Ёрқин» ҚФЙ, Барлоқ қишлоғида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15 282,80 кв.м., умумий қурилиш ости майдони 2 363,10 кв.м., умумий ички майдони 2 078,70 кв.м. бўлган «Доривор ўсимликларни қадоқлаш ва саклаш чеки бино ва ишоотлари» тақрирдан қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 1 232 440 463 сўм.
Очик аукцион савдоси 2020 йил 20 июль кунин соат 11:00да Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳқўчаси, 14-уйда жойлашган Жиззах вилояти касба уюшмалари ташкилотлари кенгаши биносининг 320-хонасида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда тақририй савдолари 2020 йилнинг 5-, 12-, 19-, 26-август, 8-, 15-, 22-, 29-сентябрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истagini билдирган талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг ҳисобрақамига (х/р: 2020 8000 8048

7649 6001, банк: АТИБ «Ипак йўли» Миробод филиали, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш учун шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:
– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қўнун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қўнун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб жамиятнинг расмий иш кунинда соат 9:00дан 16:00гача Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳқўчаси, 14-уйда жойлашган Жиззах вилояти касба уюшмалари ташкилотлари кенгаши биносининг 320-хонасида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳқўчаси, 14-уйда жойлашган Жиззах вилояти касба уюшмалари ташкилотлари кенгаши биносининг 320-хонаси. Телефонлар: (72) 226-55-20, (99) 084-65-89. e-mail: realtorservice@mail.ru.

Лицензия: RR-0008

Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 256-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Сапарова Малика Турабаевна номига берилган О'Р-А №1497889 рақамли шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Энергетика ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Саидмурод Тўхтаевга отаси **Саидмахмуд Тўхтаев**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST AUKSION SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МУЛКНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. 2020 йил 7 июль кунин соат 15:00да ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармасининг 19.06.2020 йилдаги 171-сонли буюртмасига асосан бошқарма ҳисобидида қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибда тақрирдан чиқарилмоқда.

1. 1989 йилда и/ч, д/р 01 601 DA бўлган «ЭО-2621» русумли экскаватор. Бошланғич баҳоси – 2 064 800 сўм.
2. 1990 йилда и/ч, д/р 01 784 BA бўлган «MT3-82» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 1 336 000 сўм.
3. 1988 йилда и/ч, д/р 01 061 EBA бўлган «УДС-114» русумли енгил татра. Бошланғич баҳоси – 9 550 000 сўм.
4. 1983 йилда и/ч, д/р 01 103 GAA бўлган «ЗИЛ ММЗ 354 М» русумли юк (самосвал) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 20 000 000 сўм.
5. 2001 йилда и/ч, д/р 01 453 YAA бўлган «Узотойул 23.12» русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 20 000 000 сўм.
6. 2003 йилда и/ч, д/р 01 627 DA бўлган «ТТ3-80/10» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси бўлиб ўтмаган мулклар бўйича тақририй аукцион савдоси 2020 йил 14-, 21-, 28-июль ҳамда 4-, 11-, 18-, 25-август кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари савдодан бир кун олдин (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлашлари;
жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;
– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода катнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси қолиби бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нархининг 2,0 (икки) фоизи миқдорига комиссияни йиғимини ҳамда кўшимча хизматлар учун пул тўловларини тўлаб беради.

Аукцион савдоси қолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842711001, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан бошқарма ходими иштирокчида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони. **Тел:** (99) 862-16-71. **E-mail:** bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома: № 576174.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очик аукцион савдосига Тошкент вилояти, Тошкент тумани аукцион комиссиясининг 18.06.2020 йилдаги буюртманомаларига асосан қуйидаги «Боғзор»лар қўйилмоқда:

1. Тошкент тумани, Келес шаҳри, «Абдурахмонов мева узум» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритиб келаётган «XUSNIDDIN FAYZ BARAKA» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган, қишлоқ хўжалиги харитасининг 176-182-контурларида жойлашган жами 10,40 гектар, шундан 3,35 гектар ер майдонидаги «Боғзор». Бошланғич баҳоси – 49 661 800 сўм.
2. Тошкент тумани, Келес шаҳри, «Абдурахмонов мева узум» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритиб келаётган «XOLMAT OMAD AGRO» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган, қишлоқ хўжалиги харитасининг 50-118к-контурларида жойлашган жами 12,14 гектар, шундан 3,66 гектар ер майдонидаги «Боғзор». Бошланғич баҳоси – 27 766 000 сўм.
3. Тошкент тумани, Келес шаҳри, «Абдурахмонов мева узум» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритиб ке-

лаётган «ABDUMOMIN OLIM FAYZ» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган, қишлоқ хўжалиги харитасининг 118к-164-167к-контурларида жойлашган жами 10,40 гектар, шундан 3,0 гектар ер майдонидаги «Боғзор». Бошланғич баҳоси – 43 631 000 сўм.

Ушбу боғзорларнинг аукцион савдолари 2020 йил 21 июль кунин соат 11:00да Тошкент тумани ҳокимияти биносида ўтказилади.

Савдо қолибларига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ун) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдолари шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2020 йил 4-, 19-август кунлари бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ва 2-сон РХМСга мувофиқ ту-


зилган шартномага асосан тўловларни «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808) тўлашлари лозим.

Очик аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:
– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;
– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 09:00дан 16:00гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефон: (95) 170-78-13.

Лицензия: RR-0008.



Қашқадарё вилояти

1863,6 ГРАММИ – 128,9 МИНГ ЕВРО

ёхуд ўзбек олими ихтироси

Илм-фан ютуқлари

давлат техника университети профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари учун қурилиб, фойдаланишга топширилган кўп қаватли турар жой бинолари ҳам илм аҳлига катта қувонч бағишлади.

Зиёлилар билан худди шундай учрашув йил бошида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ҳам бўлиб ўтган эди. Давлатимиз раҳбари олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш вакиллари ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан мулоқот чоғида илм-фан йўналишларида ечимини кутаётган масалаларни муҳокама қилган эди. Жумладан, тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва докторантура тизимининг натижадорлигини рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланиб, диссертациясини муддатидан аввал ҳимоя қилган докторантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари ёки маслаҳатчиларига тежаланган маблағларни тўлиқ тўлаб бериш амалиётини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Бундай ижобий муносабат ва ғамхўрликни халқимиз кўпдан бери кутаётгани айтиш мумкин. Обиднинг ҳам 12 йиллик илмий изланишлари самара берди. Яқинда Ўсимлик моддалари кимёси институтида Обид Жўраев яратган ихтиро илмий кенгашда бир овоздан маъқулланиб, яқинда унга техника фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси берилди. Хўш, ёш олим қандай янгилик яратди?

Устознинг дуосини олган Обид Жўраев магистратурага ҳужжат топширди, пойтахтдаги Ўсимлик моддалари кимёси институтига лаборант бўлиб ишга кирди. Ишлаб баробарида институтдаги устозлари кўмагида илмий ишга ҳам қўл урди...

ИЛМ АҲЛИГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?

Юртимизда илм-фанга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг пойтахтимиздаги Инновация мажмуасига ташрифи чоғида айтган фикрлари, олимларга яратилган шарт-шароитлар бунинг яққол исботидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий университети ҳамда Тошкент


мёси институтининг Тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида «Жунғор парпи» ўсимлиги тугунакларидан тозаланиб, 98,5-100 фоиз бўлган аконитин алкалоиди моддаси ажратиб олинди. Аниқроқ айтганда, санатда кам харажатли, юқори самарали ва юқори тозаликдаги аконитин алкалоидини ишлаб чиқариш қурилмаси яратилди.

ИХТИРО НИМАГА ИШЛАТИЛАДИ?

– Жаҳонда бир неча фирмалар аконитин алкалоидини ишлаб чиқаради, – дейди Обид Жўраев. – Институтимизда ҳам илгари аконитин алкалоидини ишлаб чиқариш ишлари бошланган бўлиб, шу усулларда олинган аконитиннинг тозаланиб, 95-98 фоизни ташкил этган. Германиянинг «Medis» фирмаси гомеопатик дори воситаларининг таркибига солиш учун тозаланиб, 98,5 фоиздан юқори даражадаги аконитинни сотиб олишга таклиф борлигини маълум қилган, профессор Шомансур Саъдуллаев бошчилигида илмий тадқиқот бошладим. Тиббиётдаги юрак қон-томир касалликлари ортидаги турли оғир асоратлар улкан муаммо ҳисобланади. Юрак аритмиясини даволаш ва олдини олиш учун дори воситаларини яратиш, даволаш усулларини ишлаб чиқишда лаборатория ҳайвонларида турли биореактивлар ёрдамида юрак патологиялари моделлаштирилади. Яъни, аконитин алкалоиди моддаси дастлаб ҳайвонларда қўлланилиб, уларда юрак касалликлари кўзғатилади ва шунга қараб дорилар тайёрлаш, касалликнинг олдини олиш ва даво-

лаш чора-тадбирлари ишлаб чиқарилади.

Кашф этилган янги «биореактив»ни хорижий ишлаб чиқарувчилар юқори баҳолашди. Айни пайтда у «LATOXAN» фирмаси (Франция) орқали шартнома асосида хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу моддага жаҳон миқёсида талаб юқори. Унинг 1863,6 грамма 128,9 минг евродан сотилмоқда.



лаш чора-тадбирлари ишлаб чиқарилади.

ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

– Аконитин алкалоидини препаратив хроматография усулидан фойдаланмасдан туриб, фақатгина технологик усуллар ёрдамида бундай юқори тозаланиб, даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш катта муаммо эди, – дейди кимё фанлари доктори, академик А.Тўраев. – Тадқиқотчи ушбу муаммонинг ечимини топди.

– Мазкур модданинг санат ишлаб чиқариш технологиясида 99 фоиз тозаланиб, даражасига эришиш учун яхши ки-

мёгар ва кучли технолог бўлиши керак, – дейди биология фанлари доктори, академик Ш.Солиҳов. – Кашф этилган янги «биореактив»ни хорижий ишлаб чиқарувчилар юқори баҳолашди. Айни пайтда у «LATOXAN» фирмаси (Франция) орқали шартнома асосида хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу моддага жаҳон миқёсида талаб юқори. Унинг 1863,6 грамма 128,9 минг евродан сотилмоқда.

Хуллас, инсон ҳаракат қилса, сабр ва чидам кўрсатса, ҳар қандай маррани забот этади. Чироқчи туманининг Қаҳрамон қишлоғидан чиққан биринчи ёш олим Обид Жўраев устозлари ва элдошлари ишончини шу тариқа оқламоқда.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Тошкент шаҳри

БЕПИСАНДЛИК

у кўпда салбий оқибатларни келтириб чиқаради

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имконият яратилмоқда. Чунки тадбиркорлар янги иш ўринлари яратиш орқали халқимиз турмуш даражасини юксалтиришга ҳисса қўшади. Бу эса, пировардида, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлайди. Афсуски, бу ҳақиқатни англаб етиш ўрнига тадбиркорлик субъектларига турли тўсиқларни яратиш, мулкдорнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига беписандлик билан муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бунинг қандай мисол ҳам яққол тасдиқлайди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 29 августдаги 1162-сонли қарори билан «ALANIYA STORY SERVIS» МЧЖга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бинонинг бузилиши белгиланган.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, давлат органининг мулкдорнинг мол-мулк-



қини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг беқор қилиниши мулкдор билан келишувга кўра тегишинча туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўриб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Афсуски, Тошкент шаҳар ҳо-

кимияти мутасаддилари мазкур қонун талабига беписандлик билан ёндашган. Бунинг натижасида мулкдор узоқ вақт давомида бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун сарсон бўлган.

Суд тадбиркорнинг мулкига нисбатан қилинган адолатсизликка чек қўйди. Лекин бу мулкдорнинг ортқича сарсонгарчиликлар туфайли тадбиркорлик иштиёқининг сўнмаганига кафолат эмас. Бу энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Чунки беписандлик турли салбий оқибатларга олиб келади ва уларга барҳам бериш қийин кечаяди.

Сайдулла МИХЛИЕВ, Маммурий ишлар бўйича Бектемир тумани суди раиси

Ҳуқуқий ҳимоя



Оғриқ диллар...

Ўзиники ёт, ўзганики ёд (ми?)

Болалигимдан футболга қизиқман: ўйнашга ҳам, томоша қилишга ҳам. Бир вақтлар – собиқ иттифок даврида олий лигадаги 18 та жамоанинг таркибини деярли ёддан билар эдим. Уша пайтлар Грузиянинг «Динамо», Арманистоннинг «Арат», Литванинг «Жальгирис»... жамоалари таркиби умуман «бошқача» эди. Яъни, бу жамоаларда фақат маҳаллий миллат вакиллари тўп тепишар эди. Футболчилар орасида «ов», «ович» шариғи ўйинчилар бўлмасди. Кейинроқ билсам, «Динамо» (Киев) ҳам асосан украинлардан ташкил топган экан.

Ўзимизнинг «Пахтакор» ва бизга бегона бўлмаган «Қайрат» ва «Помир» эса «байналмилал» жамоалар эди. Аммо натижага келганда эса... Бу жамоалар турли йилларда собиқ иттифокнинг олий ҳамда биринчи лигасида қатнашган, холос.

Юқорида номлари келтирилган, аммо таркиби МИЛЛАТ ва ТИЛ билан жиқлашган жамоаларнинг мамлакат миқёсида ва халқро майдонларда қандай ютуқларга эришганини ёши каттароқ футбол мухлислари жуда яхши билишади.

Яна шундай муҳим маълумотлар, аниқроғи, ҳаётий ҳақиқатлар борки, улар футболга умуман қизиқмайдиган инсонларга ҳам яхши маълум. Уша футболчиларнинг «миллатчи» ота-боболари фамилиясини ўзгартирмаган! Уларнинг орасида аждодлари ёзиб келган ёзу-

вни кириллча алфавитга алмашмасдан сақлаб қолганлар ҳам бор!

Уларнинг тил борасидаги тугуналари ҳам ҳавас қилишга, ибрат олишга арзигulik. Улар ўз она тилларини шу даражада ҳурмат қилиб, эъзозлашадиги, мамлакатда яшовчи бошқа миллат вакиллари билан ҳам тилга ҲУРМАТНИ жойида ТАЛАБ қилишадиги, тамом!

Шу боисдан ҳам «доно»лар ва «казо»лар тил ҳақида фикр айтишдан тийилишадиги. Айтиб ҳам кўрсинчи...

Мен миллатчи ҳам, маҳаллийчи ҳам эмасман! Уйлайманки, футбол болгиқ хотира ва хулосалар фақат ва фақат тўри маънода қабул қилинади.

Демокриманки, ўзгаларнинг ўзбек тилини муҳокама қилишга, тилимизга муносабат билдириб, «фол» очигиша ҳеч ҳам ҳаққи йўқ! Инчунин, ўзимизнинг ичимиздаги «ёт»ларга ҳам! Афсуски, бизда ҳалигача ўзиникини ёт, ўзганикини эса ёд биладиганлар бор.

Хуллас, бор гап... (Ҳа, айтганча, мен юқоридаги жамоаларга ҳалиям мухлислик қиламан. Айниқса, халқроқ ўйинларда...)

Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Раваҳан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича), Мехриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиши мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А.Абдураҳмонов
Саҳифаловчи: Х. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – 22:00
Топшириш вақти – 02:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Бюджетга Г – 617. 30062 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоиси келишилган нарҳда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shang» нашриёт-матбаа анциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001.
АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130